

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УИНВРСИТЕТИ**

ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ

Файзиев Элёр Алиевич

**ҒАРБИЙ ТЯНЬШАНГА
ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФ**

Ўзбекистон табиий географияси фанидан

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар: асс.Мамажонов Р.И.

Самарқанд- 2012

ҒАРБИЙ ТЯНЬШАНГА ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФ

Кириш

I-БОБ. ТАБИИЙ ШАРОИТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 1.1. Географик ўрни ва жойлашуви
- 1.2. Геологик тузилиши ва рельефи
- 1.3. Ўрганилиш тарихи
- 1.4. Иқлими
- 1.5. Ички сувлари
- 1.6. Ўсимлик ва ҳайвонот олами

II-БОБ. ҒАРБИЙ ТЯНЬШАН ТОҒ ТИЗМАЛАРИ ВА ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ОКРУГЛАРИ

- 2.1. Тоғ тизмалари
- 2.2. Табиий географик округлари
- 2.3. Алоҳида муҳофаза этиладиган жойлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида Ғарбий Тяншаннинг тоғ тизмалари жойлашган. Бу тоғ тизмалар бири иккинчисига ёндош ҳолда шимоли-шарқдан жануби-ғарб томонга чўзилиб кетган. Уларнинг ҳаммаси шимоли-шарқда Талас Олатовига бориб қадалади. Талас Олатови Ғарбий Тяншаннинг баланд тоғларидан бири бўлиб, унинг энг баланд чўққиси, денгиз сатҳидан 4488 м баландликка кўтарилган ва Манас номини олган. Бу тизма чуқур дарё водийлари ва тоғ оралиқ ботиқларини бир-биридан ажратиб туради.

Ғарбий Тяншан тармоқларига Угом, Пском, Чотқол ва Курама тоғ тизмалари кириб, улар ўзларига хос табиий географик хусусиятга эга.

Биз қуйида Ғарбий Тяншан тоғ тизмаси ва унинг тармоқларининг табиий географик хусусиятлари билан танишиб чиқамиз.

I-БОБ. ТАБИЙ ШАРОИТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Географик ўрни ва жойлашуви

Ғарбий Тяншан округи Ғарбий Тяншан тоғ тизмасининг Ўзбекистон ҳудудидаги қисми киради. Округ мустақил табиий – географик ўлка сифатида ғарбда Тошкент – Мирзачўл округи билан ўралган, шимолда, шарқда ва жанубда унинг чегараси шартли равишда Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон билан бўлган давлат чегарасига тўғри келади. Бу чегара шимоли – ғарбда Қоржантаў, шимолда Талас Олатоғи, шарқда Писком тоғларининг ўқ қисмлари, жанубда эса Қурама, Муғул тоғларининг сувайирғич қисмлари орқали ўтади.

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида Ғарбий Тяншаннинг тоғ тизмалари жойлашган. Бу тоғ тизмалар бири иккинчисига ёндош ҳолда шимоли-шарқдан жануби-ғарб томонга чўзилиб кетган. Уларнинг ҳаммаси шимоли-шарқда Талас Олатовига бориб қадалади. Талас Олатови Ғарбий Тяншаннинг баланд тоғларидан бири бўлиб, унинг энг баланд чўққиси, денгиз сатҳидан 4488 м баландликка кўтарилган ва Манас номини олган. Бу тизма чуқур дарё водийлари ва тоғ оралик ботиқларини бир-биридан ажратиб туради.

Ғарбий Тяншаннинг шимолий тизмаларидан бири Угом тоғлари деб аталиб, бу тоғининг жануби-шарқий ёнбағирлари Ўзбекистон Республикасига қарайди. Угом тоғининг денгиз

сатҳидан ўртача баландлиги 3500 м, энг баланд чўққиси эса 4229 м га (Сайрам чўққиси) етади.

Угом тоғининг жануби-ғарб қисмида Қоржонтоғ тизмаси жойлашган. Унинг ўртача баландлиги 2000 м, энг баланд чўққиси (Мингбулок) 2834 м га етади.

Угом тоғига ёндош ҳолда Писком тоғ тизмаси чўзилган. Писком тизма тоғининг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 3000—3500 м, энг баланд чўққиси 4299 м га етади. Унинг баланд қисмида доимий қор ва музликлар тарқалган.

Ғарбий Тяншаннинг энг узун ва баланд тоғ тизмаларидан бири Чотқолдир. Чотқол тоғ тизмасини Ўзбекистон ҳудудида Оҳангарон дарё водийси иккига бўлган. Буларнинг шимолийси Арашон ва Қизилнура, жанубийси эса Қурама тизма тоғлари деб аталади.

Арашон ва Қизилнура тоғ тизмалари Оҳангарон ва Чотқол дарёларининг сув айирғичи ҳисобланади. Бу тизмаларнинг энг баланд чўққиси денгиз сатҳидан 3893 м га кўтарилган. Қизилнура тизмасининг шимолий қисмида Катта ва Кичик Чимён чўққилари жойлашган. Улар денгиз сатҳидан 3277 ва 2101 м баланддир.

Қурама тизма тоғининг ўртача баландлиги 2500 м бўлиб, айрим чўққилари 3769 м гача етади. Бу тизманинг жануби-ғарбида унча баланд бўлмаган Муғултоғ жойлашган. Оҳангарон дарёсининг бошланиш қисмида Оҳангарон платоси жойлашган. Оҳангарон платосининг ўртача баландлиги денгиз сатҳидан 3000 м айрим жойлари 3400 м га ҳам кўтарилган.

1.2. Геологик тузилиши ва рельефи

Ғарбий Тяньшань округи ўзининг геологик ривожланиш тарихи, ер юзасининг тузулиши ва географик муҳитнинг бошқа хусусиятлари жиҳатидан Тяньшань тоғ тизимининг қолган қисмларидан фарқ қилади. Округ ҳудудида палеозой оҳактошлари, кумтошлари ва сланесларидан иборат. Улар орасида эса гранит, гранидиорит ва порфир каби отқинди жинслар ҳам учрайди. Тоғларнинг ёнбағрларида ва қуйи этакларида ҳамда дарё водийларида ёш мезо – кайназой ётқизиклари, палеоген ва неоген давр шағал ва гил қатламлари ҳам бор.

Ғарбий Тяньшаннинг геологик тузилиши ва рельефи ҳар хил геологик даврда, мураккаб тектоник характерлар ва ташқи кучлар таъсирида ҳозирги рельеф шароити вужудга келган.

Ғарбий Тяньшан ҳудуди геологик жиҳатдан анча мураккаб саналади.

Ғарбий Тяньшан ҳудуди ўзининг геологик тараққиёти мобайнида жуда кўплаб муҳим палеотектоник ва палеогеографик жараёнларни ўтаган. Геосинклинал шароитда содир бўладиган жараёнлар бир неча марта такрорланган.

Кўп йиллик олиб борилган геологик текшириш ишлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ва унга қўшни ҳудудлар геологик тарихини юқори архей давридан бошлаб тиклаш мумкин. Бу даврда ҳудудда бир неча денгиз ҳавзалари мавжуд бўлиб, уларни ажратиб турган қуруқликларда терриген, вулканик ва карбонат тоғ жинслари тўпланган, бу тоғ жинслари архей

даврининг охирлари ва протерозой даврининг бошланишида метаморфозлашган.

Протерозой даврининг охирида (рифей) Ғарбий Тяншан тоғлари ўрнида чўкиш жараёнлари натижасида денгиз пайдо бўлган. Бу даврда Олой, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмаларининг жанубида Қорақум-Тожикистон, шимолида эса Шимолий Қизилқум қуруқлиги жойлашган бўлган. Юқори рифейда Ғарбий Тяньшаннинг шимолида вулканлар отилган.

Протерозойнинг кембрийга ўтиш даврида (венд) Ғарбий Тяншан тизмалари ўрнидаги денгиз тектоник ҳаракатлар натижасида чекиниб, унинг ўрнида тоғлар ҳосил бўлган, венднинг охирига келиб эса тектоник ҳаракатларнинг сўниши ва емирилиш жараёнларининг кучайиши оқибатида у ҳудуднинг ер юзаси текисланган.

Кембрийнинг бошланиш даврига келиб ҳудудни яна денгиз боса бошлайди ва ўрта ордовикда Ғарбий Тяншан ҳудудининг шарқий ва жануби-шарқий қисмини денгизлар бутунлай эгаллайди. Ордовикнинг охирларида тоғ пайдо бўлиш жараёнлари бошланади ва қуйи девонда ҳудуддан денгиз чекинади, фақат Ғарбий Тяншан тизмалари ўрнида қисман сақланиб қолади. Бу ерда денгиз ўртасида фақат кичик оролларгина мавжуд бўлган. Бу даврда баъзи бир жойларда вулканлар отилиб турган.

Ўрта девон ва қуйи триасда тектоник ҳаракатлар яна фаоллашади. Шимолда Қурама, Чотқол ва Норин, жанубда Тяншан ва Кукшағалтоғ эпиплатформа геосинклиналлари, уларнинг орасида платформанинг нисбатан барқарор қисми

Қурама-Фарғона оралик массиви, Ўзбекистоннинг шимоли – шарқий қисмида Устюрт массиви ҳосил бўлган.

Девоннинг охирида (релеф, живет асрларида) ҳамда юқори девоннинг фамен асида Ғарбий Тяншаннинг катта қисмини денгизлар эгаллайди. Шу даврларда вақт-вақти билан кучли тектоник ҳаракатлар ва вулкан жараёнлари ҳам бўлиб турган. Вулканлар отилиши Ғарбий Тяншань тоғларида тошқўмир даврининг қуйи (намюр ёки серпухов асрларида) ва ўрта (башқирд аси) бўлимларида ҳам содир бўлган.

Ғарбий Тяншаннинг ва унга ёндош ҳудудларнинг тектоник кўринишининг шаклланишида тошқўмир даврининг москва асида бўлиб ўтган тектоник ҳаракатлар айнқса катта рол ўйнаган.

Юқори карбоннинг охири ва перм даврларида ҳозирги Олой тизмаси, Фарғона чўкмаси, Устюрт платоси ва Амударё ҳавзаси қуйи қисмларини яна денгиз босган. Фақат Қурама, Чотқол ва Ғарбий Тяншаннинг баъзи бир қисмларида тектоник ҳаракатлар содир бўлиб, Қоржантоғ ва Қурама тизма, тоғлари жойлашган ҳудудларда вулканлар ҳам отилиб турган.

Пермнинг охирлари ва триаснинг бошланиш даврларида Устюрт, Жанубий Фарғона ҳудудларини денгиз босган, бошқа ҳудудларда эса қуруқликлар мавжуд бўлиб, улар асосан текисликлардан иборат бўлган. Триаснинг ўрталарида ҳудудда асосан текисликлар ҳукм сурган, баъзи бир жойларда супа тоғлар кўтарилиб турган.

Қуйи ва ўрта юрада Ғарбий Тяншан ҳудудида асосан қуруқлик шароити ҳукм сурган. Юқори юрага келиб ҳудуднинг анчагина қисмини (ғарбий, жанубий) Тетис океанининг шелф қисми эгаллаган.

Бўр даврининг бошланишида Ўрта Осиёнинг ғарбий қисмида қуруқликлар кўп бўлиб, айрим ерларда кўлсимон ҳавзалар бўлган. Ҳудуднинг бошқа қисми тектоник ҳаракатлар натижасида чўккан.

Палеоген даврига келиб кучсиз тектоник ҳаракатлар бошланган, бироқ Ўзбекистоннинг катта қисми денгиз остида бўлиб, чўкинди тоғ жинслари ётқизилган.

Профессор Ю. А. Скворцовнинг (1949) кўрсатишича, палеогенда Ўзбекистоннинг тоғли ва текислик қисмлари денгиз остида бўлиб, фақат унинг тоғли қисмининг баъзи жойларида кичик-кичик оролларгина кўтарилиб турган, бироқ бу оролларнинг жойлашган ўрни ва катта-кичиклиги ҳозирга қадар аниқланмаган.

Палеоген денгизи остида ҳосил бўлган тоғ жинсларидан (асосан оҳактошлар) топилган чиғаноқлар Ўзбекистон ҳудудидаги палеоген денгизининг чуқурлиги 200 м. дан ошмаганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, палеоген денгизи остидан чиққан вақтда Ўзбекистон ҳудуди деярли текисликдан иборат бўлган. Палеоген даврининг охирларида эса тектоник ҳаракатлар анча фаоллашган, натижада олигосеннинг охирларида денгиз бутунлай чекинган, Турон плитаси вужудга келган.

Неоген даврига келиб Ўзбекистоннинг тоғли қисмида янги тектоник ҳаракатлар фаоллашади. Бу тектоник ҳаракатлар дифференциал характерга эга бўлган, натижада тоғ тизмалари кўтарилиб, тоғ оралик ва тоғ олди ботиқлари чўка бошлаган. Олиб борилган геологик ишлар натижасида Олой-Туркистон тизма тоғларида денгиз сатҳидан 4500 м баландликда олигосен даврида (тахминан бундан 38 млн. йил аввал) денгизда яшаган *экзогио-ферганензия* деб аталувчи чираноқ топилган. Демак, ўша даврда бу чираноқ денгиз сатҳидан 4000 м пастда ётган. Кейинги тектоник кўтарилиш натижасида чираноқ ётган чўкинди тоғ жинслари денгиз сатҳидан яна 4500 м. баландликка кўтарилган. Шундай қилиб, Ғарбий Тяншан ҳудудининг тоғли қисми олигосен давридан то ҳозирги даврга. қадар 8500 м. кўтарилган.

Юқорида қайд қилганимиздек, Ғарбий Тяншаннинг тоғли қисмида тектоник ҳаракатлар турли характер ва кучга эга бўлган. Унинг бир қисми кўтарилса, иккинчи бир қисми пасайган. Кўтарилган қисмлар тоғ тизмаларига, пасайган қисми эса тоғ оралик ботиқларига туғри келади. Кўтарилаётган қисмлардан оқар сув ва бошқа табиий жараёнлар иши таъсирида емирилган тоғ жинслари чўкаётган жойларга тўплана бошлаган. Бундай жараён неоген давридан бошланган. Тоғ оралик ботиқлардаги неоген даврида ётқизилган тоғ жинси қатламларининг таркиби шуни кўрсатадики, бу даврда тоғ тизмаларининг кўтарилиши ва ботиқларнинг чўкиши анча заиф бўлган. Чунки ботиқларда ётқизилган қатламлар» асосан гилли ва қумли тоғ жинсларидан ташкил топган. Бу гилли ва қумли

қатламларнинг устки қисми эса қалин қум аралаш шағрал тошлардан ташкил топган. Бу ҳол ботиклар ўраб турган тоғ тизмаларининг кейинчалик кўтарилиши кучайганлигидан далолат беради. Демак, неоген даврининг охирларидан бошлаб тектоник ҳаракатларнинг дифференциялашганлиги анча кучайган. Тоғ тизмаларининг кўтарилиши ва тоғ оралик. ботикларининг чўкиши узоқ вақт давом этган, натижада тоғ оралик ботикларида қалинлиги бир неча минг метр келадиган чўкинди тоғ жинси қатламлари тўпланган. Масалан, профессор Н.П. Василковскийнинг ёзишича неоген даврида Чирчиқ ботиғида тўпланган чўкинди тоғ жинсларининг қалинлиги 1500 м. дан зиёддир.

Зилзилалар. Тошкент шаҳрида 8 балли зилзилалар 100 йилда бир марта, 7 балли зилзилалар 25 йилда бир мартаба, 6 балли зилзилалар эса ҳар 2 йилда бир марта қайтарилиб турар экан. Кучсиз зилзилалар эса деярли ҳар куни сейсмик асбоблар ёрдамида қайд этилади.

Кейинги йилларда сейсмолог, геолог ва геоморфологларнинг олиб борган текшириш ишларининг кўрсатишича, Ўзбекистан ва унга қўшни ҳудудларда кучли зилзилалар йер ёриқлари (разломлар) ва уларнинг бир-бири билан туташган жойларида бўлиб ўтган. Масалан, 1966 йилги Тошкент зилзиласи Коржантоғ ва уни перпендикуляр кесиб ўтган йер ёриғининг дарз кетган минтақаси буйлаб, 1976 ва 1984 йиллардаги Газли зилзилалари Осиё чуқур ёриғи билан Персид-Балхаш йер ёриғи туташган минтақада, 1977 йилдаги Исфара-

Боткент зилзиласи Жанубий Фарғона ва Қоратоғ-Помир ер ёриғлари кесишган минтақада -содир бўлган.

В. И. Ғуломов (1982) Ўзбекистон ва унга қўшни ҳудудларда қўйидаги—Шарқий Фарғона, Талас-Фарғона, Ғарбий Тяншаннинг ғарбий ва шимолий қисми ва Марказий Қизилқум сейсмоген минтақаларни ажратган.

Ғарбий Тяншан минтақасида 8—9 балли зилзилалар бўлиб туради. Буларга 1966 йилда бўлиб ўтган Тошкент зилзиласини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Унинг силкиниш кучи 8—9 баллга етган.

Талас-Фарғона минтақаси Ўзбекистоннинг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, жуда кучли зилзилалар бўлиб турадиган минтақа ҳисобланади. Мазкур минтақада 1946 йилнинг 3 ноябрида 7—8 балли *Чотқол* зилзиласи бўлиб ўтган. Бу зилзиланинг маркази 250 км узоқда жойлашган бўлишига қарамасдан, Тошкент шаҳрида кучли сезилган.

Ғарбий Тяншаннинг ғарбий ва шимолий қисмидаги сейсмоген минтақада ҳам кучли зилзилалар бўлиб туради ва улар бу ҳудуддаги шарқдан ғарбга кесиб ўтувчи чуқур йер ёриғи (разлом) билан боғлиқ.

1.3. Ўрганилиш тарихи

Ўрта Осиёда география фанининг ривожланишида дунёга машҳур атоқли математик астроном ва географ *Муҳаммад ибн Хоразмийнинг* хизматлари буюкдир. Шу туфайли Ҳ. Ҳ. Ҳасанов IX—X асрларни қамраб олган ва Туркистон география фанининг

туғилиш даврини «Муҳаммад Мусо Хоразмий — Балхий география мактаби» даври деб жуда туғри атаган.

Мусо Хоразмий табиий фанларга оид жуда кўп асарлар яратган. Улар ичида энг муҳим географик ва картографик асари бу «Ернинг тасвири («Сурат ал-арз») китобидир. Бу асар «Хоразмий географияси» номини олиб, унда Р. У. Раҳимбековнинг маълумотига кўра ер юзасидаги 537 та географик пункт, жумладан 200 дан ортиқ тоғларнинг тафсилоти, мамлакатлар, океанлар, денгизлар, дарёлар, кўллар ҳақида маълумотлар бўлиб, географик объектларнинг аниқ координаталари берилган.

Р. У. Раҳимбековнинг маълумотига кўра Форобий сайёҳ сифатида Ғарбий Тяншан ўлкасини кезиб чиқиб, улар ҳақида табиий географик маълумотлар берган.

XIX аср 2-ярми (1876) Ўрта Осиё Чор Россия томонидан босиб олингач, бу ерга рус тадқиқотчилари келиб кўп тадқиқот ишларини олиб бордилар. масалан, рус зоологи, зоогеограф ва сайёҳ Н. Н. Северсов, географ П. П. Семёнов-Тяньшанский, А. П. Федченко, А. Ф. Миддендорф, геолог ва географ И. В. Мушкетов, Г. Д. Романовский ва бошқалар Туркистон табиатини ўрганиш тарихида муҳим ишларни бошлаб берганлар. Шунингдек Туркистонни тарихий ўрганиш тарихида айрим бўлимлар ва илмий жамиятларни хизматлари муҳим аҳамиятга моликдир.

Туркистон ўлкасига тадқиқотлар олиб борган дастлабки зоогеографи Н.А. Северсов (1827-86). У Туркистон кўп ҳудудларида тадқиқотлар олиб борган. Масалан, Ғарбий Тяншан

тоғининг орографиясини ўрганишда хизматлари каттадир. Северсов саёҳати давомида зоология, ботаника, минералогия, палеонтологияга оид кўплаб коллекциялар тўплаган.

Рус географи П. П. Семёнов-Тяншанский Тяньшань тоғини ўрганишга дастлаб қадам қўйган олимдир. У тоғнинг орографик хусусиятлари, ўсимликлар дунёси, қазилма бойликлари каби муҳим географик тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

П.П.Семенов - Тяньшанский 1855-1856 йилларда Ғарбий Тяньшанни ва Иссиқкўлни текширган биринчи европалик ва биринчи рус олимидир. 1869 йил 10-январь куни Самарқандга ёш олим Б.А.Федченко рафиқаси Ольга билан келиб, февраль ойидан бошлаб Зарафшон водийси ўрта қисмининг ўсимликларини текширади.

Бугунги кунда ҳам Ғарбий Тяньшан тоғларида республикамиз ва кўшни республика олимлари томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда.

1.4. Иқлими

Ғарбий Тяньшан округининг иқлим хусусияти Тошкент – Мирзачўл округининг иқлимидан кескин фарқ қилади: қиш совуқ, ёз эса салқин ва сернам бўлади. Январнинг ўртача ҳарорати – 3° , - 14° С. Қиш ойларида шимолий ва шимолий – шарқий ҳаво массалари таъсирида энг паст ҳарорат – 32° С дан пастга тушиши мумкин. Округда ёз ойларининг ҳарорати Тошкент – Мирзачўл округига нисбатан бир оз паст – июль ойининг ўртача ҳарорати 20° –

26⁰ С. энг юқори ҳарорати эса айрим жойларда 30 – 40⁰ С га етади. Совуқсиз кунларнинг умумий сони бир йилда 200 га боради.

Ёғин миқдори тоғларнинг ғарбий қисмида 1000 мм га етади, шарқий ёнбағрида 200 мм, асосий қисми қиш ва баҳор ойларига туғри келади.

Ғарбий Тяншан иқлими бевосита Ўзбекистон иқлими билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистоннинг тоғли қисмида, жумладан Ғарбий Тяншан худудида қуёшнинг нур сочиб туриш даври текисликка нисбатан 600—700 соат кам бўлади: тоғларнинг 2000 м баландлик қисмида қуёш йилига ўртача 2300—2500 соат нур сочиб туради. Бунинг асосий сабаби тоғ ёнбағри бўйлаб кўтарилган сари булутли кунларнинг ортиб бориши, тоғ ёнбағрининг қуёшга нисбатан ҳолати (экспозисияси)дир.

Ўзбекистонда қуёш уфқдан баланд бўлганлиги, булутсиз кунларнинг кўплиги (Тошкентда бир йилда 90 кун) оқибатида қуёш узок вақт нур сочиб турганлиги туфайли унинг худудига куп ёруқлик энергияси (иссиқлик) тушади.

Бундан ташқари циклонлар ўзи билан иссиқ тропик ҳаво массасини олиб келганлиги туфайли улар қоплаб олган жойларда ҳаво илиб (ҳарорат 15—20° гача кўтарилади), булутлар купайиб, ёғинлар ёғади. Бундай об-ҳаво қиш кунларининг 25%ни ташкил қилади. Қишда циклонлар шарқда ва шимоли-шарққа ҳаракат қилади, натижада Ўзбекистонга шимоли-ғарбдан, шимолдан ва ғарбдан мўтадил ва Арктика ҳаво массалари кириб келади.

Шимоли-ғарбий томондан бостириб кирадиган ҳаво массаси Ғарбий худудини анча совитиб, кунлик ҳароратни —10—20°

пасайтиради. Бунинг устига баъзан қишда Арктика совуқ ҳаво массаси ҳам бостириб кириб, туриб қолиши натижасида ҳарорат январь ойларида —35°гача пасайиши мумкин. Бундай совуқлар 1930 йил декабрда, 1948 йил декабр, 1949 йил январда, 1969 йили январ ойларида кузатилган.

Мана шу совуқсиз кунлар ҳарорат умумий йиғиндиси 4500-5500 С ҳароратни ташкил қилади. мана шундай иқлим шароитида иссиқ севар, узоқ вегетасия даврини хоҳловчи субтропик ўсимликлар ўсишга экинлар етказиб бериш имкониятига эгадир. Яна энг муҳими, 1 ердан 1 йилда 2-5 марта ҳосил олиш имкониятига эгадир.

1.5. Ички сувлари

Асосий дарёлари Чирчиқ ва Оҳангарондир. Чирчиқ дарёси Чотқол, Пском дарёларининг қўшилишидан вужудга келади. Сўнгра ўнг томондан Угом, Қизилсув, Қорақия, Оқтош, Шўралисой, чап томондан Қурамқулсой, Ғалавасой, Оқсоқотасой, Паркенсой, Бошқизилсой каби ирмоқларни қўшиб олади.

Чотқол дарёси Қорағулжа ва Қорақасмоқ дарёларининг қўшилишидан вужудга келади, узунлиги 223 км, сув йиғадиган ҳавзасининг майдони 6870 км².

Пском дарёси Майдонтол билан Оғайин дарёларининг қўшилишидан вужудга келади, узунлиги 70 км, сув сарфи 82,2 м³, майдони 2840 км².

Чирчиқ дарёсининг энг йирик ирмоғи Угом дарёсидир. У Талас Олатоғининг жанубий ёнбағиридан Оқбурхон номи билан бошланади. Узунлиги 70 км, ҳавзасининг майдони 889 км².

Оҳангарон тоғли қисмида тоғ водийда оқади. Ангрен шаҳридан ўтқач, унинг водийси кенгаяди, кенг қайирлар вужудга келади. Оҳангарон дарёсининг Яккаарчасой, Ертошсой, Серқақирилдисой, Дукент, Қарабов, Ниёзбош каби ирмоқлари бор.

Марказий Осиё мамлакатлари биохилмахиллигини сақлашда Ғарбий Тяншан тоғ тизмасининг аҳамияти катта. У ерда уч мингдан ортиқ ҳайвон ва ўсимлик тури мавжуд.

Шундан 170 га яқини бошқа жойларда учрамайди. Ушбу ҳудуднинг ноёб табиий салоҳиятини сақлаб қолиш мақсадида Ғарбий Тяншан тоғлари биохилмахиллигини сақлаш бўйича Марказий Осиё чегаралараро лойиҳаси амалга ошириляпти.

1.6. Ўсимлик ва ҳайвонот олами

Ўсимлик ресурслари ҳар бир ўсимлик минтақасида ҳар хил тарқалгандир. Қумлоқ ерлардан яйлов сифатида фойдаланилади. Улардан 3-5 с дан кўк масса олиш мумкин. Адир яйловларида эса кўпроқ 8-10 с кўк олиш мумкин. Тоғларда хашак захираси ортиқдир, гектаридан 15-19 с олиш мумкин. Бу ерда ёзда эчки, йирик шохли моллар боқилади. Ўсимлик турлари 90 % чорва моллар учун озиқадир. Ўсимлик ресурслари яйловдан ташқари ёввойи мевалардан тоғ олчаси, бодом, писта, олма ва бошқалар тоғли ва тоғ олди ерларида кўп тарқалган. Тоғларда шифобахш

ўсимликлар ҳам кўп. Сассиккуврай, пушти, кунғиргул, бир оз қурғоқчил жойларда чайир, шувок, бетага, тиконли астрагал бутаси ўсади.

Яйлов баландлик минтақасининг юқори қисмида (3500 м. дан юқорида) альп ўтлоқлари учрайди. Альп ўтлоқлари субальп ўтлоқларидан паст бўлиб, йер бағирлаб ўсиши билан фарқланади. Намгарчилик бўлган йерларда тунғизсирт (кобрезия) ўтининг бир неча турлари, гунафша, қоқиўт, юлдузут, сарик, айиктовон, ёввойи кукнори кабилар усади. Қурғоқчил, тошлоқ, ерларда қизилтикон, тошёғар, астрагал каби ўсимликлар учрайди.

Яйлов баландлик минтақасининг энг баланд қисмида доимий қор ва музликлар; ҳамда қоялар мавжуд бўлган қисмини эса нивал минтақача ишғол қилиб, ўсимлик деярли учрамайди.. Фақат қоялар орасидаги пастқам жойларда астрагал, тошёғар каби ўсимликлар ўсади, холос.

Ғарбий Тяншаннинг адир баландлик минтақасида ўсимликлар қалин ўсиб, ҳосилдорлиги гектарига 8—10 с. гача боради. Бу минтақа чорвачилик учун йил буйи яйлов ҳисобланади. Айниқса эфемер, эфемероид, эфемероид-шувок, буғдойиқ, тактак (ёввойи арпа), чалов каби баланд буйли ўтлардан йил буйи чорва моллари учун яйлов сифатида фойдаланишдан ташқари пичан ҳам (гектаридан 4—6 сентнергача) тайёрлаш мумкин.

Тоғ баландлик минтақасидан ёзги ва кузги яйлов сифатида ҳамда пичан таёрлашда фойдаланилади. Чунки бу минтақада буйи 90—100 см гача бўлган хар хил утлар қалин ўсиб,

ҳосилдорлиги гектаридан 15—20 с. гача бориши мумкин. Айниқса бугдойиқ, жавдар, тактак (ёввойи арпа), тарикбош, чалов каби ўсимликлар энг муҳим яйлов ва ем-хашак манбаидир. Лекин тоғ минтақасида рельефининг ноқулайлиги туфайли ўша пичанзорларни механизм ёрдамида ўриб олишни анча қийинлашади.

II-БОБ. ҒАРБИЙ ТЯНЬШАН ТОҒ ТИЗМАЛАРИ ВА ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ОКРУГЛАРИ

2.1. Тоғ тизмалари

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида Ғарбий Тяншаннинг тоғ тизмалари жойлашган. Бу тоғ тизмалар бири иккинчисига ёндош ҳолда шимоли-шарқдан жануби-ғарб томонга чўзилиб кетган. Уларнинг ҳаммаси шимоли-шарқда Талас Олатовига бориб қадалади. Талас Олатови Ғарбий Тяншаннинг баланд тоғларидан бири бўлиб, унинг энг баланд чўққиси, денгиз сатҳидан 4488 м баландликка кўтарилган ва Манас номини олган. Бу тизма чуқур дарё водийлари ва тоғ оралик ботиқларини бир-биридан ажратиб туради.

Ғарбий Тяншаннинг шимолий тизмаларидан бири Угом тоғлари деб аталиб, бу тоғининг жануби-шарқий ёнбағирлари Ўзбекистон Республикасига қарайди. Угом тоғининг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 3500 м, энг баланд чўққиси эса 4229 м га (Сайрам чўққиси) етади. Угом тоғи жануби-ғарб томонга аста-секин пасайиб боради. Угом тоғининг жануби-ғарб қисмида Қоржонтоғ тизмаси жойлашган. Унинг ўртача баландлиги 2000 м, энг баланд чўққиси (Мингбулоқ) 2834 м га етади.

Угом тоғига ёндош ҳолда Писком тоғ тизмаси чўзилган. Писком тизма тоғининг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 3000—3500 м, энг баланд чўққиси 4299 м га етади. Унинг баланд қисмида доимий қор ва музликлар тарқалган.

Ғарбий Тяншаннинг энг узун ва баланд тоғ тизмаларидан бири Чотқолдир. Чотқол тоғ тизмасини Ўзбекистон ҳудудида Оҳангарон дарё водийси иккига бўлган. Буларнинг шимолийси Арашон ва Қизилнура, жанубийси эса Қурама тизма тоғлари деб аталади.

Арашон ва Қизилнура тоғ тизмалари Оҳангарон ва Чотқол дарёларининг сув айирғичи ҳисобланади. Бу тизмаларнинг энг баланд чўққиси денгиз сатҳидан 3893 м га кўтарилган. Қизилнура тизмасининг шимолий қисмида Катта ва Кичик Чимён чўққилари жойлашган. Улар денгиз сатҳидан 3277 ва 2101 м баланддир.

Қурама тизма тоғининг ўртача баландлиги 2500 м бўлиб, айрим чўққилари 3769 м гача етади. Бу тизманинг жануби-ғарбида унча баланд бўлмаган Муғултоғ жойлашган. Оҳангарон дарёсининг бошланиш қисмида Оҳангарон платоси жойлашган. Оҳангарон платосининг ўртача баландлиги денгиз сатҳидан 3000 м ай-рим жойлари 3400 м га ҳам кўтарилган.

Ўзбекистон ҳудудида шарқдан ғарбга чўзилган Туркистон тизма тоғининг ғарбий тармоғи ва шимолий ёнбағирларининг аксар қисми жойлашган. Бу тизманинг Ўзбекистон ҳудудидаги энг баланд чўққиси Шакартоғ бўлиб, унинг баландлиги 4033 м га етади Тизма ғарб томон пасая боради. Сангзор дарёсининг бошланиш қисмида Туркистон тизмаси иккига бўлинган. Унинг жанубий қисми — Чумқортоғ деб аталиб, шарқдан ғарб томонга қараб чўзилиб кетган ва баландлиги 3194 м га етади, шимолий қисми—Молғузор эса шимоли-ғарб томон чўзилган. Бу тизманинг сув айирғич қисми жуда қояли бўлиб, энг баланд

жойи 2622 м. Молғузор тоғининг баландлиги шимоли-ғарб томон. камайиб боради, тоғнинг умумий куриниши ҳам ўзгариб, қояли чуққилар ўрнини усти анча текис ва силлиқ бўлган баландликлар эгаллайди.

2.2. Табiiй географик округлари

Чирчиқ – Оҳангарон округи Ғарбий Тяншан тоғ тизмасининг Ўзбекистон ҳудудидаги қисми киради. Округ мустақил табiiй – географик ўлка сифатида ғарбда Мирзачўл округи билан ўралган, шимолда, шарқда ва жанубда унинг чегараси шартли равишда Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон билан бўлган давлат чегарасига тўғри келади. Бу чегара шимоли – ғарбда Қоржантоғ, шимолда Талас Олатоғи, шарқда Писком тоғларининг ўқ қисмлари, жанубда эса Қурама, Муғул тоғларининг сувайирғич қисмлари орқали ўтади.

Чирчиқ – Оҳангарон округи ўзининг геологик ривожланиш тарихи, Ер юзасининг тузулиши ва географик муҳитнинг бошқа хусусиятлари жиҳатидан Тяншань тоғ тизимининг қолган қисмларидан фарқ қилади. Округ ҳудудида палеозой оҳактошлари, кумтошлари ва сланесларидан иборат. Улар орасида эса гранит, габброидит ва порфир каби отқинди жинслар ҳам учрайди. Тоғларнинг ёнбағрларида ва қуйи этакларида ҳамда дарё водийларида ёш мезо – кайназой ётқизиклари, палеоген ва неоген давр шағал ва гил қатламлари ҳам бор.

2. Чирчиқ – Оҳангарон округининг иқлим хусусияти
Мирзачўл округининг иқлимидан кескин фарқ қилади: киш совуқ,

ёз эса салқин ва сернам бўлади. Январнинг ўртача ҳарорати -3° , -14° С. Қиш ойларида шимолий ва шимолий – шарқий ҳаво массалари таъсирида энг паст ҳарорат -32° С дан пастга тушиши мумкин. Округда ёз ойларида ҳарорати Мирзачўл округига нисбатан бир оз паст – июл ойининг ўртача ҳарорати $20 - 26^{\circ}$ С. энг юқори ҳарорати эса айрим жойларда $30 - 40^{\circ}$ С га етади. Совуқсиз кунларнинг умумий сони бир йилда 200 га боради.

Ёғин миқдори тоғларнинг ғарбий қисмида 1000 мм га етади, шарқий ёнбағрида 200 мм, асосий қисми қиш ва баҳор ойларида туғри келади.

1. Чирчиқ – Оҳангарон округининг табиий географик районлари
1. Тоғли Чирчиқ табиий географик райони
2. Юқори Оҳангарон табиий географик райони

2.3. Алоҳида муҳофаза этиладиган жойлари

Ғарбий Тяншан худудида алоҳида муҳофаза этиладиган худудалр кўпдир. Ана шулардан бири Чотқол тоғ-ўрмон қўриқхонасидир. Бу қўриқхона Чотқол тизмасининг жануби-ғарбий қисмида денгиз сатҳидан 1000-3200 метр баландликда жойлашган бўлиб, майдони 47,5 минг гектар ерни ташкил қилади. Қўриқхона худудида куруқ даштдан ташқари мевали ўрмонлар, арчазорлар, альп ўтлоқлари каби ландшафт минтақалари мавжуддир. Бу ерда 600 дан ортиқ ўт, 40 га яқин дарахт ва бута ўсимлик турлари учрайди. Қўриқхона худудининг 40 проценти арчазорлардан иборат. Шунингдек, бу ерда писта, Кавказ шамшоди, зирк, ирғай ва бошқа ноёб бута ва дарахтлар кўп учрайди.

Қўриқхонада судралувчиларнинг 23 тури яшайди. Йиртқичлардан савсар, оқ сувсар, бўрсик, айик, бўри ва бошқалар учрайди. Қўриқхонага 1953 йилда елик буғуси (косуля) олиб келинган эди. Кийикларнинг сони бир неча юз бошдан ортиқ.

Чотқол қўриқхонасининг энг қимматли ҳайвонларидан бири реликт жонивор – мензбир суғуридир. Шунини айтиш керакки, суғурнинг 14 тури мавжуд бўлиб, шундан олтитаси мамлакатимиз ҳудудида яшайди. Мензбир суғури ер шарининг бошқа бирор қисмида учрамайди. Танасининг узунлиги ярим метр, вазни эса 4 килограмм атрофида бўлиб, 4 ой мобайнида бир ярим килограммгача ёғ тўплайдики, бу ёғ уйқудаги қарахтлик даврида бемалол етади. Мензбир суғури халқаро «Қизил китоб» ва Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган.

Оқбулоқ тоғ давлат заказниги Тошкент вилояти ҳудудининг Чотқол тизмасида жойлашган бўлиб, Оқбулоқсой ҳавзасидаги ҳайвонларни сақлаш ва кўпайтириш мақсадида 1973 йилда ташкил этилган. Унинг майдони 11 минг гектарни ташкил қилади. Бу ерда ёввойи чўчқа, елик, Марказий Осиё эчкиси, оқ тирноқли айик, Фарғона оқ сувсари, сувсар, Фарғона бўрсиғи, Туркистон силовсини, барс, илвирс, мензбир суғури ва қизил суғур, қалин, бургут, тасқаралар муҳофаза қилинади.

АДАБИЁТЛАР

1. И. А. Каримов Ўзбекистонда миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 том. Т., 1996.
2. И. А. Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998.
3. И. А. Каримов Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.
4. Қурбониёзов Г. Ўзбекистон географияси. Т., 1997.
5. Ўзбекистон Қизил китоби. 1996 йил
6. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри» тўғрисида қонун. Т.: «Адолат», 1998.
7. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси
8. Абдуллаев Х. А. Ўзбекистон тупроқлари. Т.: 1973.
9. Бабушкин А. Н., Когай Н. А. Физико-географические районирование Средней Азии. Тр. ТашГУ, - вып.307. Т. 1967.
10. Четиркин В. М. Средняя Азия. Опыт комплексной географической характеристики и районирования. Ташкент, 1960.
11. Бабаев А. Г. Историко-географический анализ динамики геосистем пустынь. Проблемы освоения пустынь, 1986, №5.
12. Бабушкин Л. Н., Когай Н. А. Физико-географической районирование Узбекской ССР. Труды ТашГУ, вып.231. – Ташкент, 1964.